



АСТАНАДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА: ОҲИЧК штаб-квартираси фаолиятини бошлади

Мамлакатимиз пойтахти Астана шаҳрида Осиё-да ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) штаб-квартираси ўз фаолиятини бошлади. Мазкур муҳим сиёсий воқеа муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев ва ОҲИЧК Бош котиби Қайрат Сарибай иштирок этди.

Президент тантанали тадбирда сўзга чиқиб, мамлакат дипломатия соҳаси ходимлари ва фахрийларини қасб байрами билан самимий муборакбод этди. Давлат раҳбари ўз нутқида аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бағрикенглик ва тинчликпарварлик анъаналари ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Аждодларимиз асрлар давомида «дашт дипломатияси» асосида ҳаёт кечирган. Халқимизнинг бағрикенглик фазилати туфайли Буюк Даштда тинчлик ва тотувлик намунаси шаклланди. Бу қадимий тамойил ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилади, – деди Қ. Тўқаев.

Президент ОҲИЧК штаб-квартираси очилишини тарихий воқеа сифатида қайд этар экан, Қозоғистоннинг ушбу ташкилотни ташкил этиш ташаббусини илгари сурганига 30 йилдан зиёд вақт ўтганини таъкидлади. Бугунги кунда ОҲИЧК Осиё аҳолисининг 90 фоизини, жаҳон аҳолисининг ярмидан кўпрогини қамраб олган нуфузли тузилмага айланганига урғу берди.

– Биз бошиданоқ фақат ҳамкорлик, ўзаро англашув ва мулоқот орқали тинчлик ва тараққиётга эришиш мумкинлигини айтганмиз. Бугун, геосиёсий зиддиятлар авж олаётган пайтда, бу тамойил янада долзарб аҳамият касб этмоқда, – деди Давлат раҳбари.

Шунингдек, Қозоғистон Президенти халқаро ҳуқуқ асосларининг емирилиши ва баъзи қўчларнинг ўзини қонунлардан устун деб ҳисоблаши бутун инсоният учун жиддий хавф эканлигини таъкидлади. Бу борада барча давлатлар БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт эканлигини таъкидлади.

Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳақида ҳам сўз юритди. Қонун ва интизом устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва тинч намоийшлар эркинлигини таъминлаш, сиёсий партиялар фаолияти учун шароит яратиш борасида амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Президент энергетика, транспорт ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги лойиҳалар, суғий идрок ва инновациялар орқали рақобатбардошликни ошириш режалари ҳақида ҳам фикр билдирди. Хусусан, Қозоғистонда суғий идрокни ривожлантириш бўйича махсус кенгаш ташкил этилгани ва яқин вақт ичида янги суперкомпьютер ишга туширилиши маълум қилинди.

Қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодиётини ранг-баранглаштириш эса стратегик устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Яқини сўзида Давлат раҳбари ОҲИЧКнинг атрофли-ча тараққиётга ҳисса қўшган барча давлатларга миннатдорчилик билдириб, Қозоғистоннинг яқин ҳамкори бўлган Озарбайжон давлатининг хизматларини алоҳида эътироф этди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 5 июль, шанба, №69 (3570).



АСТАНА – ЯНГИ ДАВР РАМЗИ, БУЮК ДАШТ ФАХРИ

ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НУРИ ИЛА МУНАВВАР ШАҲАР

Юрт равнақи, халқ фаровонлиги ва миллий тараққиёт рамзига айланган пойтахтимиз – Астана шаҳри бугун нафақат Қозоғистоннинг, балки бутун минтақа тараққиётининг асосий марказларидан бири сифатида тобора улкан аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат аҳли ардоқлайдиган байрам – Пойтахт кун арафасида турли маданий-маърифий тадбирлар ва халқаро учрашувлар ўтказилмоқда. Бу эса Астана қалбон нафақат Қозоғистон, балки бутун Евроосиё кенгликлари учун замонавий тараққиёт, тинчлик ва ҳамкорлик рамзига айланганини яна бир қарра исботлайди.

Аслида, Астана лойиҳаси халқ манфаати йўлидаги дадил ва ўткир сиёсий ироданинг маҳсулидир. Тунгич Президент Нурсултан Назарбаев раҳнамолигида яратилган ушбу шаҳар – халқимиз истиқболи учун қилинган қалворли саъй-ҳаракатларнинг ёрқин натижасидир.

БУЮК ДАШТНИНГ ЮРАГИ

Шубҳасиз, бугунги кунда Астана нафақат Қозоғистоннинг маъмурий маркази, балки миллий гуруҳ ва миллий ўзликини ифода этувчи шаҳар сифатида танилган. Замонавий меъморчилик, кенг қўламли инфратузилма, халқаро нуфузли анжуманлар ва эътирофлар – буларнинг барчаси шаҳарнинг юксак мақомини намоён этмоқда.

Айниқса, жаҳон геосиёсий

майдонидаги мураккаб жараёнлар шароитида Астананинг минтақавий аҳамияти янада юксалиб бормоқда. Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Қозоғистоннинг фаол иштирокини, минтақавий интеграция жараёнларини, Евроосиё иқтисодий иттифоқини мисол қилиб келтириш мумкин

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ДЎСТЛИК МАРКАЗИ

Бугун Астана халқаро миқёсда тинчлик ва ҳамкорлик маркази сифатида ҳам танилмоқда. Айниқса, турли дин ва миллат вакиллари ўртасидаги мулоқот майдонлари, халқаро анжуманлар ва саммитлар Астананинг дунё сиёсатидаги нуфузини янада мустаҳкамламоқда.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч

чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) штаб-квартирасининг айнан Астанада очилиши – бунинг ёрқин далилидир. Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев ушбу тарихий тадбирда таъкидлаганидек, минтақада тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ишонч мустаҳкамланиши бутун Осиё халқлари манфаатига хизмат қилади.

Айни пайтда Астана нафақат шаҳар, балки миллатнинг янгиланиш, тараққиёт ва тинчлик сари интилиши рамзидир. Унинг келажаги бутун мамлакатнинг тараққиёти ва истиқболини ифода этади.

Астана – ифтихоримиз, замонавий Қозоғистон рамзи, истиқболи ва тараққиётининг нурафшон манзилidir.

А. АБДУФАТТОҲ.

Айару – юрт ифтихори

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров жаҳон миқёсида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида уч қарра жаҳон чемпиони Айару Алтинбекни қабул қилди. Учрашувда чемпионнинг бобоси Ақжигит Исабек ва отаси Алибек Амантай ҳам иштирок этди.

Ҳоким ёш чемпионнинг юксак ютуқларини эътироф этар экан, унинг меҳнатини, иродасини ва Ватанга садоқатини алоҳида таъкидлади.

– Айару нафақат Туркистон вилояти, балки бутун мамлакатимиз шарафини дунё сахналарида ҳимоя қилмоқда. Биз бундай иқтидорли ёшларни доим қўллаб-қувватлаймиз ва улар билан фахрланамиз, – деди Нуралхан Кўшеров.

Таъкидлаш жоизки, Айару Алтинбек шахмат бўйича халқаро даражадаги спорт устаси — FIDE Master унвонига эга. У 2011 йили Сайрам туманида таваллуд топган. Уч қарра жаҳон чемпиони (2023

йил – Батуми, Грузия; 2024 йил – Лима, Перу; 2025 йил – Родос, Греция). Қозоғистон чемпиони унвонини тўрт қарра қўлга киритган.

Бугунги кунда вилоятимизда шахмат спортини ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилаётган. 20та спорт муассасасида 97 нафар мураббий 2475 нафар ёш шахматчи билан доимий машғулот ўтказмоқда.

Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаевнинг ташаббуси билан шахмат спортини оммалаштириш ва ривожлантириш учун 2023–2027 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» тасдиқланган. Вилоят ва шаҳарларда шахматчи-

лар учун барча қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, муқаддам Президент Қасим-Жумарт Тўқаев Астанадаги «SANA Sport» спорт марказида ўтказилган учрашувда шахмат бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Айару Алтинбекка ёрқин рангли шахмат тўпламини совға қилиб, унга янги галабалар тилаган эди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ПОЙТАХТДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Астана шаҳрида Пойтахт кун муносабати билан қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, мазкур байрам доирасида IV халқаро «Қўралай» кўғирчоқ театрлари фестивали ўтади. Мазкур нуфузли тадбирда Англия, Австрия, Хитой, Туркия, Грузия, Испания, Таиланд, Ўзбекистон каби дунё давлатлари ва Қозоғистон минтақаларидан келган маҳоратли ижодкорлар иштирок этади.

Бундан ташқари, Жақсылық Ўшкempiров номидаги спорт саройида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида бокс бўйича Жаҳон кубоги беллашувлари қизгин тус олган. Мусобақа 6 июлгача давом этади.

Ал Форобий номидаги

Ўқувчилар саройида «Аялаган Астана» деб номланган байрам концерти ўтади. Шу кун «Жастар» саройида «Касбим – фахрим» деб номланган ижодий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилади.

Шунингдек, Тинчлик ва тотувлик саройида «Асыл мура» мавзусига оид концерти ўтади.

5 июль кун Триатлон боғида миллий кураш фестивали ва автомафон ташкил этилади. Есил дарёси соҳилида байрам концерти ўтади.

5-6 июль кунлари Марказий боғ ҳудудида оилалар учун «Мерекелік саябақ» дам олиш фести-

валли ташкил этилади.

7 июль кун Амфи-театр сахнасида машхур «Алтын домбыра» деб номланган катта байрам концерти ўтади.

8 июль кун эса айнан шу Амфитеатр сахнасида мамлакатимизнинг энг намунали оилалари аниқланадиган «Мерейлі отбасы» миллий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтади.

Астана бугун нафақат Қозоғистоннинг, балки бутун минтақанинг маданий ва ижтимоий ҳаёти марказига айланганини ушбу байрам тадбирлари яна бир бор яққол намоён этмоқда.

Zakon.kz
маълумотлари асосида.



ТУРКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, жумладан, Туркистон вилоятида саноат, сайёҳлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда яқин кўшни, дўст ва ҳамкор мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутати.

Куни кеча вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров ўзбекистонлик сармоядорлар билан учрашди.

«U-UMAX Group» компанияси вакиллари вилоятимизда савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканликларини билдиришди.

– Ўзбекистон биз учун нафақат кўшни, балки бир дард, бир орзу билан яшайдиган қардош мамлакат. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, иқтисодиётда ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Туркистон вилоятида сармоядорлар учун барча қулайликлар яратилган. Сизларнинг таклифларингизни қўриб чиқишга, биргаликда янги лойиҳаларни амалга оширишга тайёرمىз, – деди минтақа раҳбари.

Учрашувда ўзбекистонлик тадбиркорлар қурилиш, йўл, темир йўл

ва бошқа соҳалар бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар ҳақида маълумот бериб, ҳамкорлик йўллари муҳокама қилишди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ҳозирги кунда Туркистон вилоятида инфратузилма тармоқлари билан таъминланган 19та индустриал минтақа, 5та махсус иқтисодий минтақа мавжуд. Уларда 52та корхона фаолият юритмоқда. Ҳозирда қўшимча равишда 195,4 миллиард тенгеге 57та янги лойиҳа бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу учрашув, шубҳасиз, қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик тараққиётига янги суръат бағишлаши билан аҳамиятлидир.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ: ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА ИНСОН МАНФААТИ



Ўтрор туманига Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлисининг депутатлари Қайрат Рахимули Балабиев ва Нурсултан Тўленули Байтилесов, шунингдек, вилоят маслаҳати депутати Мирзахан Манапов хизмат сафари билан ташриф буюришди. Улар “AMANAT” партиясининг туман бўлимида жамоат қабули ўтказиб, фуқароларнинг мурожаат ва таклифларини тинглашди.

Мазкур қабул давомида туманнинг Талапти, Темир ва Шитти қишлоқларидан келган фаоллар, фуқаролар ўз муаммо ва таклифларини билдиришди.

Хусусан, Қўйишқул Мамиров қишлоқда янги маданият уйи ва ёпиқ спорт майдони барпо этиш масаласини кўтарди. Деҳқонлар номидан Тўрехан Амантай сув таъминотидаги муаммолар юзасидан мурожаат қилди. Шунингдек, Мақсат Арқабаев ичимли сув ва электр таъминотидаги камчиликлар, Кўксарай-Шаулдир йўлидаги хавфли ҳолат, имконияти чекланган фуқаролар учун қулай-

ликларни яратиш бўйича муаммоларни тилга олди.

Депутатлар ҳар бир мурожаат ва таклифни диққат билан тинглаб, уларни тегишли идоралар ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқишини, муаммолар ҳал этилиши учун амалий чоралар қўрилишини маълум қилдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу каби очиқ мулоқотлар халқ билан ҳокимият ўртасидаги ишонч ришталарини мустаҳкамлаш, энг асосийси, халқ дардига ечим топиш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

«Жанубий Қозоғистон»
мухбири.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАШРИФИ

Кеча «Қорачиқ» саноат минтақасига вилоят ҳокими Н. Кўшеров, Саврон тумани ҳокими М. Танғатаровлар бошчилигида мутасаддилар ташриф буюриб, амалга оширилаётган қурилиш ишларини кўздан кечиришди.

Ишбилармонликда донг таратган тадбиркорлар саноат ҳудудида янги завод-фабрикалар, ишлаб чиқариш цехларини бунёд этмоқдалар. Ихтиёр Мадалиев, Айюбхон Толипов,

Зокир Алиакбаров, Тўхтош Умаров, Дилноза Умарова, Фарҳод Жабборкулов, Отажон Солиев, Охунжон Сотибоев, Орифжон Дадахонов, Дилшод Эрметов каби тадбиркорлар – ишлаб чиқарувчилар 10 гектар ҳудуддаги саноат минтақасида янги корхоналар бунёд этшмоқда.

Ҳа, қишлоқларга саноат кириб борса, тараққиёт рўй беради.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

САРМОЯ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Вилотимизда сармоя жалб этиш, саноат соҳаси салоҳиятини мустаҳкамлаш, янги ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйиш ва аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Куни кеча минтақа раҳбари Нуралхан Кўшеров «Resource Invest» компанияси вакиллари билан учрашиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.



– Вилотимизда сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Сизлар билан истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёرمىз. Асосий мақсадимиз – ишлаб чиқариш иншоотларини кўпайтириш ва аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил этиш. Компаниянгиз таклиф қилган лойиҳа тўлиқ шакллантирилгач, унинг ижросини таъминлашга қаратилган «Йўл харитаси» тайёрланади. Бу масалада мутасадди идоралар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилади, – деди Нуралхан Кўшеров.

Учрашувда «Resource Invest» компанияси раҳбарлари Евгений Ключев ва

Яшар Латиев, шунингдек, компанияда фаолият юритаётган италиялик тадбиркор Вессиро Раффазелле томонидан металлургия кластерини ривожлантириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Лойиҳани амалга ошириш ўрни сифатида Тулкибош тумани танланди. 2024-2032 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган ушбу йирик лойиҳа доирасида йилига 403,2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қолаверса, завод ишга тушгандан сўнг 400 нафар аҳоли учун доимий иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Маълумки, Туркистон вилояти сўнг-



ги йилларда нафақат қишлоқ хўжалиги ёки сайёҳлик, балки саноат йўналишида ҳам изчил ривожланиб, мамлакатимизнинг иқтисодий харитасида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Айниқса, металлургия соҳасидаги бундай йирик лойиҳалар нафақат минтақа, балки юртимиз миқёсидаги ишлаб чиқариш занжирида янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Янги Қозоғистон саноат ва технологиялар соҳасида жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш мақсадида ички ва ташқи сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратишда давом этмоқда. Вилотимизда режалаштирилаётган металлургия кластери ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунасидир.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ – ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва амалда ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу мақсадда жойларда жамоатчилик қабуллари, фуқаролар билан бевосита учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шу кунларда Туркистон шаҳридаги «Очиқ ҳокимлик» қабулхонасида вилоят ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди. Учрашувда вилоят аҳолисини ташвишлантираётган долзарб муаммолар тингланиб, соҳа раҳбарлари иштирокида уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қабулда Туркистон ва Кентов шаҳарлари, Жетисай ва Тулкибош туманларидан келган фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Мулоқотда асосий эътибор ер масаласи, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларга қаратилиши билан аҳамиятли бўлди. Хусусан, туркистонлик фуқаро Марокко чигирткаларига қарши кураш бўйича ўзининг янги услубини таклиф қилди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, жорий йилда вилоятда зараркунандаларга



қарши 712 минг гектар майдонда кимёвий ишлов бериш ишлари амалга оширилган. Айни пайтда фитосанитар ҳолат тўлиқ назоратга олинган.

Туркистон шаҳрида яшовчи Б. Елеев эса шаҳарнинг асосий кўчаларидан бирига автотураргоҳ барпо этиш учун ер ажратишни сўради. Бу масала юзасидан фуқарога шаҳарнинг Бош режасидан келиб чиқиб, мазкур ҳудудда автотураргоҳ учун ер ажратиш кўзда тутилмагани, тадбиркорлик мақсадида ерлар аукцион орқали тақдим этилиши тушунтирилди.

Қабулда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субсидиялари, тадбиркорлик учун

ер ажратиш, солиқ тўлаш, фибригарлик каби бир қатор масалалар кўтарилди. Нурбўл Турашбеков бу борада аниқ ҳуқуқий тушунчалар бериб, ер масаласидаги низолар фақат суд орқали ҳал этилиши, ҳокимлик ваколатидаги масалалар эса қонун доирасида қўриб чиқилиши таъкидланди.

Маълумот учун, «Очиқ ҳокимлик» қабулхонасида фуқаролар «eOtinish» ягона электрон базаси орқали ёки қабулхонага бевосита келиб, ёзма мурожаат қолдириш орқали шахсий қабулга ёзилишлари мумкин.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА ТАЯНЧ

Юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган. Айниқса, имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу мақсадда вилоят «Самғау» соғломлаштириш марказида навбатдаги учрашув ташкил этилди.

Унда вилоят прокуратурасининг катта прокурори Серикбўлсин Заурбеков ва прокурор ёрдамчиси Дидара Абдирасилова имконияти чекланган фуқаролар билан мулоқотда бўлди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини ўйлантираётган ижтимоий-ҳуқуқий масалалар юзасидан саволлар беришиб, тегишли маслаҳатлар олди. Прокуратура вакиллари эса ҳар бир мурожаатни диққат билан тинглаб, қонун доирасида атрофлича жавоб беришди. Вилоят прокуратураси томонидан «Қонун ва интизом» тамойили доирасида имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя



қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай учрашувлар нафақат ҳуқуқий саводхонликни ошириш, балки давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги ишончли муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 101 557 нафар имконияти чекланган фуқаро рўйхатга олинган. Улар учун қулай шароитлар яратиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокуратура томонидан назорат-таҳлил ишлари изчил олиб борилмоқда.

Хусусан, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, би-

ринчи гуруҳ ногиронлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жамоат транспортларида бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Афсуски, вилоятнинг айрим ҳудудларида бу талаблар тўлиқ бажарилмаётган ҳолатлар мавжуд. Жетисай, Мақтаарал туманлари ва Кентов шаҳрида ўтказилган текширишлар натижасида 3 263 нафар имконияти чекланган фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» Сўзоқ



Сўзоқ қишлоғидаги “ТАРСА” тўйхонасида Алишер Навоий номли мактабни 40 йил муқаддам тамомлаган битирувчилар ва устозлар учрашуви ўтди.



1985 йили директор Амангул Жуманазарова раҳбарлик қилган қадрдон мактабимизни 93 ўқувчи тамомлаган, синф раҳбарлари Раҳмат Валмибаев, Маъмуржон Исроилов, Айтан Раимбаева эди. Учрашувга мактабимизнинг собиқ директори Ирисбой Болта-

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАРНИНГ “ДИЙДОР ШИРИН” УЧРАШУВИ

бой ўғли, рус тили ва адабиётининг олий тоифали фахрий устозлари Бўлат Қулмен ўғли, Камила Исабаева, Гулсара Умарова, биология фани устози Норбиби Абсодиқова, география фани ўқитувчилари Комилжон Рисметов, Рўза Файзуллаева, ўзбек тили ва адабиёти фани устозлари Акбар Асе-



нов, Маъмуржон Исроилов, математика ва кимё фани устозлари Ҳадича Абдурахмонова, Айтан Раимбаева, му- сиқа фани ўқитувчиси Қўргон Абсаламов, физика ўқитув- чиси Дилором Ушибаева ва бошқалар иштирок этишди. Собиқ ўқувчиларнинг ака- сарияти қўшни Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳридан келишди.

Райимжон Қўчқоров раҳ- барлик қилаётган вилоят “Улес” хайрия жамоат жамғар- маси томонидан таъсис этил-

ган “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” – “Өнегелі азамат” кўкрак нишонлари обунда фаол, элга ибратли хизматлари билан танилган Ирисбой Абдираманов ва Бўлат Қулмен ўғлига тантанали равишда устозу шогирдлар даврасида тақдим этилганли- ги нур устига нур бўлди.

2025 йилнинг иккинчи яр- мига “Жанубий Қозоғистон” нашрига обуна давом этмоқ- да. Олдимиздан оқаётган сувнинг қадрига етиб, она

тилимизда давлат сиёсатини тарғиб қилаётган қадрдон нашрга уюшқоқлик билан обу- на бўлайлик.

**Муҳаммаджон БОБОЕВ,
Сўзоқ тумани ЎЗМБ раиси,
фахрий устоз.**

Суратларда: ибратли фу- қаро унвонини олган Ирисбой Абдираманов; ибратли фуқаро унвонини олган Бўлат Қулмен ўғли; устозлар ва шогирдлар; собиқ аълочи ўқувчилар устоз- лари билан.

Тоҳир Малик

Келинлар дафтариغا

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Айниқса профессионал спортга кирган қиз-жувонларга бери- лаётган таркибда гиёҳванд моддалар бўлган, номи “дори”ю, ас- лида заҳарнинг оқибатини жаҳон кўриб-билиб турибди-ку?

Учинчи суҳбат:

Мувозанат

Агар диққат билан кузатсак, бугунги жамиятларда адолатли мувозанат бузилиши кузатишмоқда. Ғарбда аёллар ўта ахлоқсиз, беҳаё бўлиб кетишган. Юз йил аввал Анна Каренинага ўхшаганлар бармоқ билан санарли бўлса, энди кишининг ақли ҳисобдан ада- шиб кетади. Бундай ҳолатларни хорижга қилган сафарларимиз дав- рида кузатдик. Ғарб кинофильмлари ҳам фикримизни исботлайди. Ғарб аёллари ўзларини эрлар билан тенг ҳуқуқли деб билишади.

Ислом динида бундай эмас. Оилада эр ва аёлнинг ўз ўрни муво- занат ва адолат билан белгилаб берилган. Бу мувозанат бузилган жамиятларда «эркин муҳаббат» деган аҳмоқона, айтиш мумкинки, ҳайвонларга хос тушунчалар туғилди. Яъни, эр-хотин биргаликда яшайверади, аммо хотин кўнгли тусаяган эркак билан, эр эса кўнгли- га ёққан аёл билан зино қилаверади. Агар бола туғилса, қайси эр- дан туғилганини аниқлаш учун ирсият мутахассисларига мурожаат қилишади. Бу ҳам етмагандай эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан никоҳларини расмийлаштириш бошланди ва бу ҳайвоний кўшилишни ҳам муқаддас ном – «оила» деб атаяптилар. Ислом динининг жинсий муносабатлар хусусида ғоятда маъқул, нихоятда мақбул тавсиялари бор. Биринчидан, никоҳ суннат ва савобдир; никоҳланган кишининг савоби ортади. Уйланган киши уйига бир ҳисса егулик ва ичгулик олиб келса, етти юз ҳисса савоб берила- ди. Рўзгор тебратиш учун қилинган сарф-харажатлар жиҳод қилиш билан баробар ҳисобланади (яъни, «жиҳод» деганда фақат уруш назарда тутилмайди, савоб фақат уруш тўғрисида ҳосил бўлмайди, бунга аҳамият бермоқ жоиз). Ҳатто никоҳдаги эр-хотиннинг жинсий алоқасида ҳам савоб бор. Расулуллоҳ (с.а.в.) шу ҳақда гапирган- ларида саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, биз нафсимизнинг, шахвати- мизнинг орзусини қондирамиз, бундан ҳам савоб ҳам топамизми?» деб сўрашганларида жавоб бердиларки: «Албатта! Шундай қил- масангиз, гуноҳ йўли билан қондиришнингиз мумкин... Шунинг учун ҳам савобдир». Исломда инсон табиатига, фитратига, яратилишига ғоятда мос бир ҳатти-ҳаракат мавжуд. Эрининг хотини ёнига узоқ мuddат яқинлашмаслиги ҳам дуруст эмас. Чунки аёлнинг ҳам жин- сий хоҳишлари бор, унинг бу эҳтиёжларини ҳам қондириш керак, деган маънода адолат қилишга қақирганлар. Шунинг учун исломда шаръий жинсий муаммога эътибор беришган, уни айб санашмаган. Баъзан эр-хотиннинг ажралиш сабаблари диққат билан ўрганилса, оилани бузилишга олиб келувчи жиддий ҳолатлар кўринмайди. Бизда оиланинг бузилишига айнан жинсий муносабатлардаги етиш- мовчиликлар ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги сира айтилмайди. Бу айб саналади. Ҳатто айрим эрларнинг ёки аёлларнинг зинога юриб кетишларига ҳам бир-бирларидан қониқмаганлари сабаб бўладики, буни эътибордан четда қолдирish мумкинмас.

Шавбий (р.а.) айтди: «Бир аёл ҳазрати Умар (р.а.) ҳузурла- рига келиб: «Эй мўминлар амири, сизга инсонларнинг энг яхшиси устидан шикоят қилгани келди. У шундай одамки, яхши амал бо- расида унга етадиганлари оз. Кечалари тонггача намоз ўқийдилар ва кундузлари доимо рўзадор бўладилар», деганидан кейин уялиб, аслида айтмоқчи бўлган гапларини айтолмади ва: «Эй мўминлар- нинг амири, мени кечиринг», – деди.

– Яхши, – дедилар ҳазрати Умар. – Аллоҳ сендан рози бўлсин. Сен у одамни жуда яхши сифатлар билан мақтадинг. У ҳақда бун- дан ортиқ бирор нарса гапиришингга ҳожат йўқ. Аёл чиқиб кетгач, Каъб ибн Сур (р.а.) дедилар: – Эй мўминлар амири, аёл уялиб, шикоятини сўзлай олмайди. – Аёлнинг қандай шикояти бор эди? – Аёл эридан «завжият (яъни, эр-хотинлик) ҳақ-ҳуқуқларига риоя этмаётир», деб шикоят қилмоқчи эди.

Бу гапни эшитганларидан сўнг ҳазрати Умар аёлни орқага қай- тариб, унинг эрига ҳам хабар юбордилар ва аёлнинг эри келгач, Каъбга:

– Ораларида сен ҳакамлик қил, – дедилар. – Сиз шу ердалигингизда мен қандай ҳакамлик қиламан? – Мен тушунмаган нарсага сенинг ақлинг етди. Бинобарин, улар- ни эшитиб, ораларида ҳукм этмоқ сенинг ҳаққингдир, – дедилар халифа.

Шунда Каъб ҳалиги одамга: – Аллоҳ субҳонаху ва таоло эрларга хитобан: «агар етимларга адолатли бўла олмаслиқдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, унча, тўрттадан уйланаверинглар», дея марҳамат қилганига кўра, кўпи билан уч кун (нафл) рўза туттишинг мумкин. Тўртинчи кун тўтмаслигинг керак ва кўпи билан уч кеча тонггача ибодат қилишинг мумкин. Тўртинчи кеча аёлнингнинг ёнида ёттишинг лозим, – дедилар.

Эр-хотин кетишгач, ҳазрати Умар Каъбга: – Сенинг бу топағонлигинг бояғисидан ҳам гўзалдир, – дедилар ва Басрага қози этиб тайинладилар».

Бу ривоятда гўзал бир донолик ҳам чарақлаб турибди: ҳазрати Умар эрга тўғридан-тўғри «эрлик вазифангни бажар», деб амр қил- мадилар ва буни доно биродарларига топширдилар. Каъб ҳам ўта нозиклик билан тушунтирди.

Чунки у киши ҳам «ибодатингни йиғиштириб, хотининг билан бир- га бўл», дея олмасдилар.

Тўртинчи суҳбат:

Савоб

«Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмас», дейилса, бу фикр дастлаб ғалати туюлиши мумкин. Баъзи- лар айш-ишрат қилиш, шаҳват нафсини қондириш учун уйланмай- диларми? Шу ниятда энг сулув қизларга етишмоқ учун шумликлар қиладилар. Бу шумликнинг оқибатини «оила» дея олмаймиз. Баъзилар эса бой бўлиш мақсадида бой хотинга тузоқ қўядилар. Бунинг натижаси ҳам «оила» эмас. Яна бир хил одамлар фарзанд- талаб бўладилар ва шу мақсадда оила қурадилар. Баъзи одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар. Яна бир қанчалари уй-рўз- гор, саранжом-саришталик учун уйланадилар.

Оила қуришда улуғ савоблар борлигини яна таъкид этамиз. Шундай инсонлар борки, савоб учун атайин уйланишади, савоб истагида турмушга чиқишади.

Бир илмли одам бир қизни сўраб совчи юборади. «Аллоҳнинг амри, ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига мувофиқ қи- зингизга уйланмоқчилар. Биз розилигингизни олмоққа келдик», дейишади совчилар. «У киши жонимни сўрасалар, жонимни берай, аммо қизим у зотга муносиб эмас. Чунки қизимнинг икки оёғи шол. У муҳтарам зотга эса хизматларини адо этувчи соғлом жуфти ҳалол керак», дейди қизнинг отаси уэр билан. Совчи қўйган киши қизнинг аҳволидан хабардор эди. «Бу қиз ногирон бўлгани сабабли унга ҳеч ким уйланмайди. Мен шу бечорига уйланиб, кўнглини кў- тарай», деган қароридан қайтмайди.

(Давоми бор).

Шимкент шаҳридаги 47-сонли мактаб-гимназияси базасида 100 катакли шашка бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Қозоғистон Рес- публикасининг чемпионати бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 155 нафар ёш спортчи иштирок этган мазкур мусобақада Янги Иқон қишло- гининг иқтидорли шашкачилари ҳам муваффақиятли қатна- шиб, совринли ўринлар билан қайтди. Жумладан, “Дарын.KZ” мактаби ўқувчиси Жавоҳир Аб- духаллоқов классика ва блиц йўналиши бўйича 2-ўринни,

ҒАЛАБА МУБОРАК БЎЛСИН!

“Янги Иқон” мактаби ўқувчиси Маржонабегим Ирисбек клас- сика йўналишида 3-ўринни эгаллаб, диплом ва медаллар билан тақдирланди.

Ёш шашкачиларнинг мураб- бийлари, фаол обуначилари- миз Абдуқодир Тоштемиров ва Акажон Иззатуллаевларни нав- батдаги ғалаба билан самимий муборакбод этамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: голиб ўқувчилар мураббийлари билан.



БОЛАЛАР САЙЁҲЛИК ЛАГЕРИ ОЧИЛДИ



Тўлебий туманидаги “Бир- көлик” болалар сайёҳлик ла- гери қайта ишга туширилди. Замонавий уйлардан иборат мазкур оромгоҳ вилоят ҳоким- лиги ва “Ёш сайёҳлар стан- цияси”нинг саъй-ҳаракатлари натижасида тикланди.

– Қайта тикланган болалар сайёҳлик оромгоҳида сайёҳлик ва ўлкашуносликни ривожлан- тириш, болаларда табиатга му- ҳаббат уйғотиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллан- тириш, туризм ва спортни ом- малаштириш, миллий ўйинлар орқали қадриятларимизни тар-

ғиб қилиш – асосий мақсадимиз, – деди станция директори Сауле Ўмирбаева.

Лагернинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажи- баев, ОАВ вакиллари, ёш сайёҳ- лар ва ўқувчилар иштирок этди.

Шунингдек, тадбир доираси- да ёш мусаввирлар ижодидан намуналар, миллий таомлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари, сайёҳлик жиҳозлари кўргазмала- ри ташкил этилди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

»» Хотира – муқаддас

Янги Иқон қишлоғидаги Мирзо Улуғбек номли мактабда кўп йиллар самарали устозлик қилган ҳурматли ҳамкасбимиз Зухра Абдурахмон қизи фонийдан чин дунёга рихлат қилди. Аллоҳ ўз раҳ- матига олган бўлсин.

Зухра Абдурахмон қизи 1927 йили 30 июль куни Қирғизистоннинг Иссықкўл минтақасида туғилган. Фаргона педагогика институтида таҳсил олиб, тақдир тақозоси ила ҳамқишлоғимиз Фарҳод Расулов билан оила қуриб Шавкат, Равшангул, Баҳоргул, Сайёра, Барчиной исмли қобил фарзандларни вояга етказган, невара, эвара, чевара кўрган пири бадавлат оила соҳибаси эди. Ҳазрат Яссавийнинг ҳикматларини ёд- дан ифодали ўқиб беришни хуш кўради. Фаол обу- начиларимиз, марҳуманинг тадбиркор неваралари Жавлонбек ва Анварбек Расуловларга ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз.

**Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Янги Иқон қишлоғи ЎЗМБ раиси.
Олим ҚОСИМОВ,
жамоатчи мухбиримиз.**

Тасвирда: Зухра Усмонова собиқ ҳамкасблари билан.

Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.

АСР ЮЗИНИ КЎРГАН ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБИМИЗ ЭДИ



(Давоми бор).

ҚОРАЧИҚДАГИ АЖОЙИБ АНЖУМАН


ЭЛ БИРЛИГИ, МАДАНИЯТИМИЗ, МАЪНАВИЯТИМИЗ РАВНАҚИГА БАҒИШЛАНДИ



Газетамизда аввал хабар қилинганидек, Туркистон, Кентов шаҳарлари ва Саврон тумани УЭМБ фаоллари ва “Жанубий Қозоғистон”нинг ибратли муштарийлари бош қўшган “Оталар чойхонаси”нинг навбатдаги анжумани Қорачиқ қишлоғида, 225 нусха газета обунасини ташкил этиб, вилоятга ўрнатилган зияли отахон Қодир Аҳмедов ҳомийлигида юксак савияда ўтди.

Қодир Самихон ўғлининг 75 йиллик таваллуд кунин билан бақамти келган тадбирда юбилейни ибратли обуначиларимиз – шoir Эрнaзaр Рўзимaтoв, Хoшим Абдувaлиев, Обиддин Фaхриддинoв, Фaрхoд Абдуллaев, Тўлқин Саидмурoдoв, Қурбoнбoй Ирисбeкoв, Ирискул Аббoсoв, Рaйимжoн Қўчқoрoв, Хусан Убaйдуллaев, Абдухaмид Умaрoв, Фaйзуллa Мирзaхмeдoв жудa кўп дўст, бирoдaр, хaмқишлoқлaри хусусaн, қишлoқ УЭМБ рaиси Мирзaхoн Адхaмoв, уринбoсaри Жaъфaр Исмaтуллaевлaр сaмимий мубoрaкбoд этишди. Юбилейнинг кўксигa ҚР “Дўстлик” хaмжaмиятининг “Дўстлик” мeдaли тaқиди. Қaрнoқлик устoз сaнъaткoр Фaйзуллa Мирзaхмeдoв сурнaйдa дилрaбo куйлaр ижрo этиб, дaврaгa фaйз киритди.

Қодир Аҳмедовнинг қаламига мансуб олтинчи китоб – Алматы шаҳрида сифатли нашр қилинган “Оталар чойхонаси” тақдироти ҳам шу фойзли анжуманда ўтиб, муаллиф меҳмонларга китобларини тортиқ қилди. Ҳар бир китобхонга муаллифнинг “Сизга икки дунё саодатини тилайман” каломи дастхат сифатида битилганлиги нур устига нур.



Тадбирда кўп таклиф, тилаклар айтилди. Шунингдек, муаллиф Илҳом Иброҳим қаламига мансуб, Тошкентда нашр қилинган “Унутилмас аجدодлар тарихи” китоби ҳам кўпчилик эътиборига илк бор ҳавола қилинди. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида маълумот берамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: “Оталар чойхонаси” иштирокчилари; тадбирда тилак ва табриклар янгради; юбилейга атаб ўрангайлик Обиддин Фахриддинов шевъ ёзди; Қодир Аҳмедов ҳамқишлоқлари даврасида; юбилейни Фарҳод Абдуллаев муборакбод этмоқда; Қодир Аҳмедов оиласи даврасида; “Оталар чойхонаси” китоби.

Муаллиф тасвирлари.

P.S. Обунага вилоят миқёсида кўчиб, кўпчиликка ибрат бўлаётган ҳурматли зияли отахон Қодир Самихон ўғли Аҳмедовни 75 ёшга тўлиши шодиёнаси билан тахририят номидан сaмимий мубoрaкбoд этиб, мустaҳкaм сaлoмaтлик, сaдoдaт тилaймиз. Умр йўлдoши, зияли устoз Мaнзурa Oтaбoй қизи билaн Нoдир, Бoбир, Хoндaмир, Aсқaр исмли oлий мaълумoтли, тaдбиркoр фaрзaндaлaр тaрбиялaб, нeвaрa, эвaрaлaр кўргaн, oлтитa китoб ёзиб, мaънaвиyaтимиз, oнa тилимиз рaвнaқигa бeкиёс хиссa қўшaётгaн Тyркистoн вилoятининг ибратли фyқaроси Қoдир Сaмихoн ўғлининг oбунa бoрaсидaги хaйрли тaшaббyси вилoятимиздa кeнг қулoч ёйишигa ишoнчимиз кoмил.

Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми – оиланинг муқаддаслиги, уни мустаҳкамлашда, аиникса, қайноналарнинг ўрни бекиёслигига шубҳа йўқ.

Қорамурт қишлоғида ўтган “Супер қайнона” танлови айнан ана шу қадриятларни асраш ва ёшларга намуна сифатида кўрсатиш мақсадида ташкил этилди. Қишлоқ ҳокимлиги ташаббуси билан Маданият уйида ўтган мазкур тадбир миллий анъаналаримиз ва оила мустаҳкамлигини тарғиб этиш, қайноналарнинг ҳаётий тажрибаси ёшлар томонидан эъзозлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Танловда қишлоғимиздаги 9 маҳалланинг фаол ва ҳурматга сазовор онахонлари – Зияда Тўйчиева, Фарида Шарипова, Зайнабжон Бегметова, Хурматой Рўзақулова, Муҳайё Исоқова, Зухра Азимбоева, Дилфуза Умрзоқова, Клара Ўринбоева, Клара Хайтеновалар иштирок этишди.

Танлов бир неча шартлардан иборат бўлиб, қайноналар саломлашиш ва ўзини таништиришдан сўнг эркин мавзуда чиқиш қилдилар. Кейинги шартда иштирокчилар “чевар қўллар” ва “пазандалик” ботида ўз маҳоратларини намойён этдилар. Сўнгги савол-жавоб шарида эса адабиёт ва маъна-

Қайноналар – оила ва қадриятлар посбонлари



вият бўйича билимларини синовдан ўтказиш талаб қилинди.

Айниқса, қайноналарнинг миллий либослардаги чиқишлари, ҳаётий фикрлари, қўшиқлари, саҳналаштирилган лавҳалари орқали уларнинг жамиятдаги нуфузи, тажрибаси ва ақл-саодати яна бир қарра намойён бўлди.

Тадбир юқори кайфият ва сaмимий рухдa ўтди. Уни Қoрaмyрт қишлoқ хoтин-қизлaр кeнгaши рaисaси Мoҳирa Сaидoвa oлиб бoрди.

Тaнлoвдaги ҳaр бир иштирокчи aлoҳидa эътибoр вa oлқишгa сaзoвoр бўлди. Ҳaққoний бaҳoлaш мaқсaдидa ҳaкaмлaр хaйъaти қaтoридa қишлoғимиздaн 3 нaфaр тaжрибaли устoз вa кaттa ёшли oнaлaр қaтнaшди.

Нaтижaдa, Клaрa Ўринбoвeвa “Cупeр қaйнонa” унвoнигa сaзoвoр дeб тoпилди. Бaрчa қaтнaшчилaргa қишлoқ ҳoқимияти тoмoнидaн эсдaлик сoвгaлaр вa тaccуpотлaргa бoй тaдбир тyғфa этилди.

М. КЕНЖАБОВА,
Қорамурт қишлоғи.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҢБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган бироқларлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳақида даъитларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МЧБ босяхонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
+7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Бўғирма
1516.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.